


3.500.000 ТОННА ТАЙЁР!



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

16 октябрь 1971 йил, шанба • № 240 (15.110). • Баҳоси 2 тийин.

Ғалаба ТЕЛЕГРАММАЛАРИ

ПОП

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети, Президиуми ва Министрлар Советининг республикадаги барча меҳнаткашларга Мурожаатидан илҳомланиб ишлаётган Поп-райони пахтакорлари ғалаба рапортига имзо чекдилар. Тайёрлов пунктларига 34876 тонна биринчи сортли, пахта жўнатилди. Бу, бутун шу даврга қадар топширилган пахтадан 6 минг тонна кўп демакдир.

Районда машина терими плани 127 процентдан ошиб кетди. Агрегатлар бункеридан 16 минг тонна «оқ олтин» тўкилди. Попликлар даладаги ҳосилни чамалаб кўриб, давлатга қўшимча равишда яна 10 минг тонна пахта топшириш мажбуриятини олдилар. Бунинг учун терим суръатига суръат қўшилмоқда. Техника ва ишчи кучларидан оқилона фойдаланилмоқда.

ҚОРАҚҮЛ

Йигим-теримчи социалистик муСОБАқа асосида ташкил этган механизаторлар элчиёб ғалабани кўлга киритишди. Дала гвардиячилари ҳосилнинг 15 минг тоннадан кўпрогини машиналарда саранжомлаб, бу соҳадаги йиллик плани мўддатидан анча илгари бақаришди. Машина теримида «Октябрь», Энгельс номи, «Москва», Киров номи, «Бухоро», «Правда» колхозларининг механик-ҳайдовчилари алоҳида жасорат кўрсатишди.

Шу кунларда пахта териш ва давлатга топшириш кизгин давом этмоқда. Механизаторлар суръатини сусайтирмадан ишлашяпти. Республика партия ва ҳукумати-нинг Мурожаатига жавобан улар ишчи икки сменада ташкил этишган.

РОМИТАН

КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун ғайрат кўрсатиб меҳнат қилаётган Энгельс номи колхоз аъзолари пахта тайёрлаш йиллик планини муваффақиятли удалашди. Давлатга 2573 тонна «оқ олтин» армуғон этилди. 1105 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 24 центнердан хирмон кўтарилди. Машина терими плани жами 112 процентга етказилди.

Хали далада ҳосил кўп. Колхозчилар тағин 500 тонна пахта топшириб, ҳосилдорлигини гектар бошига 35 центнерга етказамиз, дейишяпти. Бунинг учун ҳамма имкониятлар мавжуд.

Қўлидан иш келадиган, юрагида ўти, билагида қуввати бўлган ҳар бир киши ҳозир теримчилар қаторидан ўрин олмоғи даркор. Ўз бурчини тушунган, меҳнат шарафининг қадрига етган ҳар бир меҳнаткаш пахта йиғим-теримидек умумхалқ ишидан четда қолиши асло мумкин эмас.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети, Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатидан).

МЕХАНИЗАТОРЛАР ОИЛАСИМИЗ

— «Ҳар бир агрегатнинг икки сменада унумли ишлашини ташкил қилингиз! Биронта машина бир дақиқа ҳам бўш туриб қолмасин!»

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг «Республиканинг барча колхозчилари, совхозларнинг ишчилари, механизаторлари, қишлоқ хўжалик муҳасисслари, жами меҳнатнашларига Мурожаати»даги ана шу ота-шунинг сўзлари бизни ҳам меҳнатда янги зафарларга руҳлантириб юборди. Мурожаатни сатр-ма-сатр ўқиб эканмиз, пахта мамлакатимиз учун нақадар зарур эканлигини яна бир бор ҳис этдик. Уни тезроқ саранжомлаб олиш ва давлатга топшириш учун ғайрат камарини тағин ҳам маҳкамроқ боғлаб ишга киришдик.

Колхозимиз меҳнатнашлари республика партия ва ҳукумати чакирлигига жавобан ҳар гектар ердан 45 центнердан «оқ олтин» топширишга аҳд-наймон қилишган. Ҳосилнинг 60 проценти машиналарда терилди.

Бунда дала гвардиячилари асосий роль ўйнайдилар. Механизаторлар оидаси — бизнинг оиламиз ҳам ана шу хайрли ишга муносиб ҳисса қўшади.

Биз иккаламиз бирга ўқиб юрган кезларимизда танишиб, яқин дўст бўлиб қолганимиз. Илҳом, ўртамадаги муҳаббат янги оила қуришга олиб келди. Механизаторлик касбинини эгаллаб, Янгипарқ районидики «Правда» колхозиди меҳнат қила бошладик. Бизга ҳайдов

трактори ва терим машинасини ишониб топшириб қўйишди. Бунга жавобан 45 гектар ер очиб, чигит экдик. Ҳосилимиз кўтилганидан ҳам кўп бўлди.

Бу йил йиғим-теримни бир оз кечиниб бошладик. Нега десангиз, қўсақлар кечиниб очилди. Лекин теримнинг дастлабки кунлариданоқ суръатга-суръат қўндик. Дефолиация яхши ўтказилган майдонларда ўзанинг барги сифатли тўкилди. Иккаламиз ҳам агрегатни ишга туширдик. Теримни икки сменада ташкил этдик. Машинани авайлаб асраётганимиз туфайли у бетўх-тур гуруллаб турибди. Смена топширигини охириб бақариб келамиз.

Қўриқ ер — саҳий ер деганларича бор. У ўз бойликларини биздан аямайди. 45 гектар ердан ҳозиргача 100 тонна «оқ олтин» топширдик. Шунча пахтанинг ҳаммасини машинада тердик. Йиллик планини районда биринчилар қаторида адо этишга муваффақ бўлдик. Шунинг қувончлиги, теримда қўл кучи ишлатилмади. Натикада пахтанинг таннари анча қамайди.

Энди биринчи теримни тугалладик. Даламизда ҳали ҳосил кўп. Қўсақлар чамандек очилиб ётибди. Иккинчи теримни ҳам машинада ўтказамиз. Тўртинчи ўртоғим Назар Жуманазаров билан бирга сменада ишлаймиз. Бир сменада агрегатни мен бошқараман, иккинчисиди — у иши. Шундай қилиб смена-мизда кўп пахта терилишига эришамиз. Айни вақтда яхши дам олиш имкониятига ҳам эга бўламиз.

«Ўзбекистон» агрегатини бир-галалиб техника қаровидан ўтказамиз, зарур бўлган тақдирда биргаликда ремонт қиламиз. Ишга биргаликда қўл урганимиздан юмушимиз анча енгил-лашади. Кўп ва сифатли пахта териш билан бирга ўй-рўзор ишларини ҳам вақт-соатида бажо келтирамиз. Режали иш ту-таётганимиз, вақтдан самарали фойдаланаётганимиз туфайли рўзор иш ҳам, даладаги иш ҳам кўнгилдагидек бў-лаптир.


— 45 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камда 50 центнердан хирмон кўтарамиз!

Аҳдими ана шундай. Ваъда вафоси билан чиroyли деганларидек, биз ҳосилдорлигини эллик центнерга етказамасдан қўйма-миз. Чунки шунча ҳосил дала-мизда бор. Ҳамма гап уни лее-нобуд қилмасдан саранжомлаб олишда қолган. Бу иш қўлимиз-дан келади.

Шу кунларда бепоён пахта-зорларда ҳаёт жўш урмоқда. Тағин жони соғ бўлган ҳар бир киши пахта учун курашдан чет-да қолмаслиққа ҳаракат қила-пти. Бизда ҳам худди шундай. Пахтазор мардлар майдонига, жасорат майдонига айланган. Шундай долзарб далада мўл ҳосилдан завқланиб, пахтазорга мафрун бўлиб, ғайрат кўрсатиб ишлагини келди. Ҳа, пахтазор-нинг ани шундай тағин бор.

Хавасхон ХУСАНОВА,
Янгипарқ районидики «Правда» колхозининг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи.
Назар ЖУМАНАЗАРОВ,
шу бригада механизатори.

Фотоназари



3.500.000 ТОННАГА ОБЛАСТЛАРИНИНГ ҚЎШГАН ҲИССАСИ:

Андижон	449.000 тонна
Сирдарё	391.000 тонна
Фарғона	379.000 тонна
Самарқанд	349.000 тонна
Тошкент	337.000 тонна
Бухоро	331.000 тонна
Наманган	328.000 тонна
Сурхондарё	309.000 тонна
Хоразм	278.000 тонна
Қашқадарё	212.000 тонна
ҚҚ АССР	198.000 тонна

ВОРОШИЛОВ РАЙОНИ МАРРАГА ЕТДИ

Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг республикадаги барча меҳнатнашларга Мурожаатидан бениҳоя руҳланган Ворошилов райони пахтакорлари маррага етдилар. Улар 31652 тонна «оқ олтин» тайёрлаб, йиллик плани мўддатидан илгари адо этишди. Ҳосилнинг 21000 тоннаси агрегатлар бункеридан бўшатилиди. Ҳар бир машинанинг ўртача иш унуми 60 тоннани ташкил этди.

Пахта тайёрлаш планининг барвақт бақарилишига «Социализм», «Гулистон» совхозлари ва «Кизил Октябрь» колхозини алоҳида ҳисса қўшдилар. Дала меҳнатнашлари ялли ҳосилни 42000 тоннага етказиш учун барча куч ва имкониятларини ишга солишмоқдалар.

ОҚЎРҒОНЛИКЛАР ЗАФАРИ

Тошкент областининг машъали — Оқўрғон райони пахтакорлари 13 октябрь кўни маррага етди. Улар она Ватанга 74.140 тонна пахта армуғон этиб, йиллик плани мўддатидан илгари анча ошириб бақаришди. Машиналарда терилган пахта 77,100 тоннани ташкил этди. Бу умумий ҳосилнинг 77 проценти демакдир.

Район колхозлари ва совхозлари далаларида 900 та пахта териш машинаси ишлади.

Оқўрғонлик миришкор деҳқонлар ҳосил чўғини чамалаб кўриб давлатга яна 19 минг тонна пахта етказиб берди, шундай қилиб ялли ҳосилни 90 минг тоннадан ошириш мажбуриятини олдилар.

Суратларда: Жомбой районидики «Улугбек» совхозининг илгор механизатори Гулжаҳон Галиева (юқорида), у ҳар кунини 12,5 тоннадан пахта теряпти. Чимбойдаги пахта тайёрлаш пунктининг катта лаборанти Шаҳри Турсунова (ўртада), у пахтани қабул қилиб олишдаги жонкуярлиги билан барчанинг ҳурматиға сазовор бўляпти. Пастда эса Жомбой районидики Пушкин номи колхозининг илгор механик-ҳайдовчиси Боббек Ҳамроев. У ҳозиргача 300 тоннадан зиёд пахта терди. Бунинг эвазига кучма ампел билан таъдирланди.

В. Сироткин фотолари.

ҲУРАТ ТАХТАСИ

Давлатга пахта сотиш йиллик планини мўддатидан илгари бақаришчилари учун қўйиладиган республика «ҲУРАТ ТАХТАСИ» га ёзилди.

Сирдарё области (область партия) комитетининг секретари К. Ахмедов, область ижроия комитетининг раиси В. Хайдуров, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Х. Мажинов, область совхозлар трестининг директори С. Мирҳабенов, область пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси К. Шодиев, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси М. Хобта, область комсомол комитетининг секретари А. Тўраев ўртоқлар.

Илгич райони (район партия) комитетининг секретари А. Абдушодидов, район ижроия комитетининг раиси Ю. Юсупов, район комсомол комитетининг секретари Ж. Исроилов ўртоқлар.

Бўз райони (район партия) комитетининг секретари Т. Топилов, район ижроия комитетининг раиси Т. Хониндосимова, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи М. Аҳмадалиев, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси М. Қўзиев,

район суғориш тармоқлари бошқармасининг бошлиғи В. Чеберяк, район комсомол комитетининг секретари Т. Нисомов ўртоқлар.

Избоскан райони (район партия) комитетининг секретари У. Са-рисмонов, район ижроия комитетининг раиси А. Комилов, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи А. Қодиров, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Х. Умарбоев, район суғориш тармоқлари бошқармасининг бошлиғи Ч. Ҳамидуллин, район комсомол комитетининг секретари К. Исмомов ўртоқлар.

Жомбой райони (район партия) комитетининг секретари М. Ҳасанов, район ижроия комитетининг раиси С. Файзиев, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Х. Қаламдаров, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси П. Алиев, район суғориш тармоқлари бошқармасининг бошлиғи М. Ҳомидов, район комсомол комитетининг секретари А. Насилов ўртоқлар.

Ленин райони (район партия) комитетининг секретари Н. Қодиров, район ижроия комитетининг раиси Т. Тешабоева, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи К. Рузиев, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси М. Гаев, район суғориш тармоқлари бошқармасининг бошлиғи О. Каримов, район

комсомол комитетининг секретари М. Раҳмонова ўртоқлар.

Поп райони (район партия) комитетининг секретари Б. Рафни-аев, район ижроия комитетининг раиси Ш. Мирсултонова, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Х. Урунов, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси М. Доли-мов, район суғориш тармоқлари бошқармасининг бошлиғи Х. Бу-риев, район комсомол комитетининг секретари А. Абдураҳимов ўртоқлар.

Мирзачўл райони (район партия) комитетининг секретари С. Керимов, район ижроия комитетининг раиси Т. Абдуллоев, район комсомол комитетининг секретари Ш. Расулов ўртоқлар.

Пахтакор райони (район партия) комитетининг секретари В. Насриддинов, район ижроия комитетининг раиси Б. Сандов, район комсомол комитетининг секретари З. Маханов ўртоқлар.

Қарши райони (район партия) комитетининг секретари Б. Элбо-ев, район ижроия комитетининг раиси М. Сандов, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Д. Хушнзаров, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси М. Яхнин, район суғориш тармоқлари бошқармасининг бошлиғи П. Шодмонов, район комсомол комитетининг секретари Н. Холмуродов ўртоқлар.

4.400.000 ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашининг бориши
тўғрисида 1971 йил 15 октябрга бўлган
МАЪЛУМОТ
(Планига нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Машинада бир кунда	Машинада мавсум бошидан
СИРДАРЁ	1,57	104,38	1,72	124,29
Тошкент	1,79	97,35	1,44	94,42
Андижон	1,60	91,97	2,91	83,62
Наманган	1,89	90,74	2,94	92,78
Қашқадарё	1,18	85,61	0,89	56,26
Сурхондарё	1,15	85,49	0,73	78,01
Самарқанд	2,29	84,28	2,58	89,03
Бухоро	1,67	82,29	1,73	90,77
Фарғона	1,81	77,18	2,61	69,79
Хоразм	3,22	76,17	3,16	50,73
ҚҚ АССР	2,99	69,29	3,05	54,08
Республика буйича:	1,91	86,12	2,17	83,95
Шу жумладан, илгичга тоғали пахта:				
Сурхондарё	бир кунда 1,54	мавсум бошидан 77,36		
Қашқадарё	бир кунда 1,86	мавсум бошидан 74,13		
Бухоро	бир кунда 2,68	мавсум бошидан 69,11		
Республика буйича:	бир кунда 2,14	мавсум бошидан 85,89		

МУРОЖААТ АСОСИДА

Янгийул район Абдулла Ортиқов дилар. Йиллик пахта тайёрлаш қишлоқ Советидики «Ленинизм» колхозини меҳнатнашлари теримни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаати асосида ташкил қилиб, зафар куч-

ШУДГОРЛАШ ҚИЗҒИН

Республикамизнинг деярли ҳамма областларида 1972 йилда қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш учун ерлар-ни қузиш шудгорлаш бошлаб кўйилди. Халқимизда «ер ҳай-дасанг — юз ҳайда, куз ҳайда-масанг — юз ҳайда» деган ма-қол бор. Қузиш шудгор — мўл ҳосил учун ташланган хамирту-ришдир. Буни яхши тушунган қишлоқ хўжаликларининг раҳ-барлари бу муҳим ишни тезроқ-лик билан ўтказмоқдалар. Зо-мин, Галлаворол ва бошқа рай-онларда эртаги ва ўртаги экинлардан бўшлаган ерлар шуд-горлаб қўйилди, қузиш галла экин тезкорлик билан давом эт-тирилляпти.

Тошкент областида 20 минг гектардан кўпроқ экин ери чу-қур шудгор қилиниб, минерал ҳамма маҳаллини ўғитлар билан ўғитланди. Наманган областида ҳам салкам 3 минг гектар ер ба-ҳорда экин экишга таййаб қў-йилди. Шунинг халқимиздаги экин-ерларни кеч қузиш ва қишлоқ экин-гартчилардан яхши баҳра олиб, дондорлигини ошади. Бу юқори ҳосил олишининг муҳим шартидир.

Сирдарё, Самарқанд област-ларида ҳам экинлардан бўшлаган ерларини шудгорлаш қизтиля-пти. Лекин Хоразм, Қашқадарё областларида суръат талабга жавоб бермайди. Хўжаликларда-ги техника воситаларини бу иш-га тўла сафарбар этиш фурсати етди.

